



2016 у.г. «16» сентябрь № 2516-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман «Қайнама» кишлоқ фуқаролар йиғини «Мотрид агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Расулова Умедага вакумли музлатгич омборхонаси, мебел ишлаб чиқариш цехи ва ойна ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Кишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа кидирув институтининг баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 12 январдаги 33 сонли хулосаси ва фуқаро Расулова Умеданинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман «Қайнама» кишлоқ фуқаролар йиғини «Мотрид агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 292 контуридан фуқаро Расулова Умедага вакумли музлатгич омборхонаси, мебел ишлаб чиқариш цехи ва ойна ишлаб чиқариш цехлари қуриш учун жами 1,10 га (шундан: 1,10 га туман захирасидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Фуқаро Расулова Умедага вакумли музлатгич омборхонаси, мебел ишлаб чиқариш цехи ва ойна ишлаб чиқариш цехлари бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.

5. Фуқаро Расулова Умеда томонидан «Ер кодекси»нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров